ЎЗБЕК ТИЛИДА СИНТАКТИК АНТОНИМЛАРНИ БЕЛГИЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Д.Лутфуллаева, Н.Сайидираҳимова

Мақолада ўзбек тилида синтактик антонимияни шакллантирувчи лингвистик мезонлар белгиланди ҳамда синтактик антонимларни ҳосил қилувчи тил бирликлари аниқланиб, синтактик структурадаги семантик мавқеи белгиланди.

Калит сўзлар: *семантик зиддият, синтактик семантика, лексик антонимия, синтактик антонимия, семантик даражаланиш, имплицит антонимия, контекстуал антонимия.*

В статье установлены лингвистические критерии образования синтаксической антонимии в узбекском языке. Выявлены лингвистические единицы, образующие синтаксические антонимы, а также определено их семантическое место в синтаксической структуре.

Ключевые слова: *семантическая противоположность, синтаксическая семантика, лексическая антонимия, синтаксическая антонимия, семантическая степень, имплицитная антонимия, контекстуальная антонимия.*

The article studies the linguistic criteria that form the syntactic antonymy in the Uzbek language. It revels the linguistic units that form the syntactic antonyms, and identifies their semantic position in the syntactic structure.

Key words: *semantic contrast, syntactic semantics, lexical antonym, syntactic antonym, semantic extents, implicit antonyms, contextual antonym.*

Борлиқдаги нарса-ҳодисалар ўртасида амал қилувчи алоқа-муносабатлардан бири зидланиш муносабати бўлиб, у тил сатҳи бирликлари учун ҳам хос. Тил бирликлари муносабатида зидланишнинг турли кўринишлари кузатилади. Зидланишнинг кенг тарқалган кўринишларидан бири антонимиядир.

Маълумки, инсоннинг ташқи олам ва унда содир бўлаётган ранг-баранг воқеликларни, кишилар ўртасидаги ижтимоий, сиёсий, маданий, ҳиссий муносабатларни тилга кўчиришида лексик бирликлар алоҳида ўрин тутади. Шу боис узоқ йиллар давомида тилшуносларнинг асосий эътибори лексик семантика муаммоларига қаратилди. Лексик семантиканинг ўрганиш объектларидан бири лексик антонимия бўлиб, бу муаммо турли тиллар мисолида кенг ўрганилган. Ўзбек тилшунослигида ҳам лексик антонимия юзасидан махсус тадқиқот ишлари олиб борилган [1] ва ҳатто «Ўзбек тилининг антонимлар луғати» тузилган [2].

Антонимия тилнинг нафақат лексик сатҳида, морфемик, морфологик, синтактик сатҳларида ҳам кузатилувчи универсал семантик категориядир. Ҳар бир сатҳ доирасида антонимиянинг ўзига хос жиҳатлари кузатилади. Жумладан, синтактик антонимларнинг бирламчи вазифаси нутқ эгасининг қарама-қарши қутбли воқеликлар ҳақидаги ахборотини ифода этишдир. Синтактик антонимияни инглиз тили материаллари асосида ўрганган Н.Б.Боева ҳам синтактик антонимлар оппозицияси юқори даражадаги информативлик белгисига эгалигини, синтактик антонимларда дастлабки маълумотни рад этиш орқали янги ахборот берилиши ва бу орқали асосий хабарни олдинга суриш кўзда тутилишини қайд этади [3.367]. Бу каби прагматик мақсад нутқ эгаларининг турли нутқий вазиятларда синтактик антонимлар орқали ҳиссий муносабатлари (ажабланиш, ишонч, ҳайрат, ирония кабилар)ни баён этишларида ҳам кузатилади. Мана шуларни эътиборга олган ҳолда қайд этиш мумкинки, синтактик антонимия муаммоси нафақат синтактик семантиканинг, прагматиканинг ҳам ўрганиш объектидир.

Тилшуносликда синтактик антонимия муаммоси нисбатан кам ўрганилган. Бу масала юзасидан рус олималари Т.Б.Фастовская, Н.В. Галатова, Н.Б.Боеваларнинг роман-герман тиллари мисолида олиб борган тадқиқотлари диққатга сазовор [4]. Бу ишларда антонимия ҳодисасининг лингвистик табиати тавсифланган, сўз бирикмалари, содда ва қўшма гаплар, боғли матнда синтактик антонимия ва уни юзага келтирувчи лингвистик бирликлар таҳлил этилган. Ўзбек тилшунослигида эса синтактик антонимия муаммоси ҳам семантик аспектда, ҳам прагматик аспектда махсус тадқиқни талаб этади. Ушбу мақолада ўзбек тилида синтактик антонимияни белгилаш мезонлари, гап мақомидаги синтактик антонимларнинг шаклланиши масаласига доир мулоҳазаларимизни баён этамиз.

Ўзбек тилида ҳам, бошқа тилларда кузатилганидек, синтактик антонимия тузилиши жиҳатидан бир парадигмага мансуб ҳамда семантик жиҳатдан зиддиятда бўлган жуфтликлар – сўз бирикмалари, содда гаплар, қўшма гап ва унинг қисмлари ўртасида шаклланади. Кузатишларимиз асосида ўзбек тилида синтактик антонимияни белгиловчи қуйидаги лингвистик мезонларни ажратишимиз мумкин:

1. Синтактик антонимия синтактик бирликлар орқали ифодаланган ўзаро қарама-қарши, зид мазмунни тақозо этади.

Синтактик антонимларда воқеликнинг бир-бирига зид, қарама-қарши икки томони ҳақида ахборот берилади. Синтактик антонимларни белгилашнинг бош мезони улар семантикасидаги зиддиятдир.

2. Синтактик антонимия структур тузилиши жиҳатидан бир парадигмага бирлашувчи бирликларни тақозо этади.

Шуниси характерлики, синтактик бирликлар ўртасидаги антонимик муносабат деривацион тузилиши жиҳатидан умумий бўлган сўз бирикмалари, гаплар ўртасида шаклланади. Масалан, от асосли содда гап семантик жиҳатдан ўзаро қарама-қарши, зид мазмуний муносабатдаги худди шундай от асосли содда гап билан антонимик муносабатга киришади. Ёки феъл асосли гап деривацион тузилишига кўра умумий бўлган феъл асосли гап билан антонимик муносабатда бўлади. Албатта, бу турдаги гапларнинг семантик муносабатида уларнинг фарқловчи зидлик белгиси бирламчи омил бўлади. Масалан: *Қишнинг биринчи куни эди. – Қишнинг сўнгги куни эди.* (от асосли содда гаплар антонимияси)

Демак, синтактик антонимлар структур тузилиши жиҳатдан бир парадигмага бирлашиб, умумийлик хусусиятини, бир-бирига зид пропозитив структураси жиҳатидан фарқли белгиларини намоён этади.

I. Синтактик антонимия жуфт синтактик бирликларнинг ўзаро семантик муносабатини тақозо этади.

Синтактик антонимия бинар зидланишдаги жуфт аъзоларни тақозо этади. Рус олимаси О.Н. Хованская синтактик антонимиянинг уч синтактик бирликнинг ўзаро семантик муносабати асосида ҳам шаклланиши ҳақида фикр юритади. Унинг қайд этишича, рус тилидаги *«Великолепно! – Нормально – Жуть!», «Супер! – Так себе – Кошмар!»* конструкциялари мана шу типдаги антонимик гаплар бўлиб, уларда нейтрал маъноли оралиқ аъзоларга йўл очилади [5].

Назаримизда, белги ифодаловчи бундай конструкцияларда оралиқ аъзо (*Нормально!, Так себе!* гаплари) семантик белгисининг озми-кўпми даражада биринчи аъзо (*Великолепно!, Супер!*) да такрорланиши унинг антонимик қатордан ўрин эгаллашига йўл қўймайди. Оралиқ аъзо семантик белгиси ҳар икки зид аъзода такрорланган ҳолатларда ҳам фақат биринчи ва охирги аъзо ўртасида антонимик муносабат кузатилади. «Ҳозирги ўзбек адабий тили» китоби муаллифлари бу масалага даражаланувчи лексемалар мисолида муносабат билдириб, бундай лексемалар қаторида тафовутнинг фарқларга, фарқнинг зиддият, яъни қарама-қаршиликка ўсиб бориши натижасида биринчи аъзо билан охирги аъзонинг антонимлашуви, зиддиятнинг оралиқ аъзода сўниши ҳақида фикр юритишади [6]. Англашиладики, синтактик антонимия зид аъзоларда такрорланмайдиган қарама-қарши семантик белгиларни тақозо этади.

IV. Синтактик антонимия воқеликнинг бир-бири билан шартли боғланган қарама-қарши элементлари муносабатини тақозо этади.

Синтактик антонимлар воқеликнинг қарама-қарши қутбларини акс эттиргани сабабли зид аъзолар бир-бири билан шартли боғланади ёки бири иккинчисини тақозо этади. Антонимик хусусиятга эга синтактик бирлик инсоннинг лисоний тафаккурида ассоциатив тарзда зид мазмунни ифодаловчи иккинчи синтактик бирликнинг шаклланишига йўл очади. Масалан, *«Кўйлаги ҳўл»* гапи инсон онгида кўйлакнинг дастлаб қуруқ бўлганлиги тасаввурини ҳам уйғотади.

Айтилганлар асосида хулоса қилиш мумкинки, синтактик антонимия семантик зидликка асосланади ва структур тузилиши жиҳатидан бир парадигмага бирлашувчи жуфт бирликлар ўртасида шаклланади.

Синтактик антонимларнинг шаклланишида зид муносабатни ҳосил қилувчи лексик, морфологик бирликлар, айрим синтактик конструкциялар қатнашади. Манбаларда интонация орқали ҳам синтактик антонимиянинг юзага келиши ҳақида фикр юритилади [6].

Синтактик антонимиянинг шаклланишида лексик антонимлар муҳим ўрин тутади. Лексик антонимлар синтактик бирлик таркибида қўлланганда зидлик муносабатини ҳосил қилиб, синтактик антонимияга йўл очади. Бу ўринда лексик ва синтактик антонимияни фарқлаш лозим бўлади.

Ҳар қандай лексик антонимлар синтактик сатҳга киргунга қадар лексик бирлик мақомида бўлади. Синтактик бирлик таркибида улар синтактик моҳият касб этади ва синтаксиснинг ўрганиш объектига айланади. Бу жиҳатдан қараганда лексик антонимлар ҳам синтактик структура таркибида синтактик антонимияга йўл очади. Аммо ҳар қан-

дай ҳолатда ҳам лексик антонимлар гапнинг умумий семантик структурасига таъсир кўрсатавермайди. Албатта, бу ўринда қисман ва тўлиқ антонимия муносабати масаласига ойдинлик киритиш лозим бўлади.

Лексик антонимлар гапнинг кесим мавқеидаги асосий предикати вазифасида келганда гапнинг умумий пропозитив структурасига таъсир кўрсатиб, антонимик муносабатли пропозицияларни шакллантиради. Иккиламчи предикат мавқеида келганда эса қисман антонимияни ҳосил қилиш билан чегараланади. Масалан, *«**Яхши** топиб гапиради, **ёмон** қопиб гапиради»* мақолида *яхши, ёмон* антонимлари орқали зидланиш муносабати акс этган бўлса-да, улар асосий предикат мавқеида келмаганлиги сабабли гапнинг умумий пропозитив структурасига таъсир кўрсатмайди. *«Бу ишинг яхши», «Бу ишинг ёмон»* гапларида эса *яхши, ёмон* антонимлари асосида тўлиқ синтактик антонимлар ҳосил бўлади.

Синтактик антонимия қарама-қарши мазмуний муносабатларни акс эттирувчи синтактик конструкциялар орқали ҳам шаклланади. Масалан:

– Неччи қопиди, опой? – чийиллаб сўради яна бирови.

*– **Бир қоп ... иди** ... етимчалар насибасидан қайириб опкелгандим.*

– Қанчайди, деёпман? – чийиллади бояги киши.

*– **Анчайде** ... ман санамаган ... **бир даста эди!..*** (Х. Дўстмуҳаммад)

Берилган микроматнда *бир қоп ... иди – анчайде (бир даста эди)* гаплари орқали синтактик антонимия шаклланган.

Тилда синтактик антонимиянинг бевосита ифодаланувчи тури билан бирга яширин ифодаланувчи кўриниши ҳам кузатилади. Имплицит антонимия, асосан, пресуппозиция ҳисобига шаклланади. Масалан, «*Нимага ўзидан бошқа ҳаммани, ҳаммани ёмон кўради?»* (Ў.Ҳошимов) гапида *-дан бошқа* кўмакчили қурилмаси орқали *«Ўзини яхши кўради»* пресуппозицияси англашилади. Бу пресуппозиция *«Ўзидан бошқа ҳаммани ёмон кўради»* пропозициясига зидланади. Бундай ҳолатда синтактик антонимия имплицит характерда бўлади.

Хуллас, синтактик антонимия зидланишнинг алоҳида кўриниши сифатида синтактик бирликлар шакли ва мазмуни ўртасидаги алоқа-муносабатни акс эттиради. Синтактик антонимияни белгилашнинг бош мезони семантик мезон бўлиб, бу мезон синтактик бирликлар семантикасидаги қарама-қарши зид мазмуний муносабатга асосланади.

Адабиётлар:

1. Исабеков Б.О. Лексическая антонимия в современном узбекском языке: Автореф. дис. … канд. филол. наук. Т., 1973; Шукуров Р. Лексико-семантическая природа антонимов: Автореф. дис. … канд. филол. наук. – Т., 1973.

2. Раҳматуллаев Ш., Маматов Н., Шукуров Р. Ўзбек тили антонимларининг изоҳли луғати.- Т.: Ўқитувчи, 1980.

3. Боева Н.Б. Грамматическая антонимия в современном английском языке: Дисс… д-ра филол. наук. – М., 2001. - 367 с.

4. Фастовская Т.Б. Антонимичность в системе сложносочинённых предложений в современном английском языке: Дис. канд. филол. наук.- Пятигорск, 1988. – 160 с.; Н.В.Галатова. Антонимичность придаточных предложений в современном английском языке. - Пятигорск, 1989. - 202с.; Н.Б. Боева. Антонимичность предложных словосочетаний современного английского языка: Дис. … канд. филол. наук. - Пятигорск, 1989. -207с.; Шу муаллиф. Грамматическая антонимия в современном английском языке: Дис. … д-ра филол. наук. - М., 2001. - 367 б.

5. Хованская О.Н. Антонимия в области коммуникем (на материале речи младших и старших школьников и речи взрослых носителей языка) // http://do.gendocs.ru/docs/index-158899.html?page=9

6. Сайфуллаева Р. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. - Тошкент, 2009. – Б. 114.

Тошкент давлат педагогика университети,
2015 йил 5 декабрда қабул қилинган
(Тақризчи: ф.ф.д. Д.Набиева)